## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

# 286 Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240*

*(2011 йил 15 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–289-сон «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш ишларини такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2000 йил 23 апрелдаги 87-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш» (рўйхат рақами 933, 2000 йил 9 июнь) ҳамда Ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни (рўйхат рақами 934, 2000 йил 9 июнь) тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2006 йил 17 октябрдаги 223-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2000 йил 23 апрелдаги 87-сон буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 933-1, 2006 йил 21 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 469-модда);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2006 йил 30 декабрдаги 266-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда Ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 933-2, 934-1,



www.lex.uz

2007 йил 11 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 1-2-сон, 19-модда);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2008 йил 15 январдаги 14-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 933-3, 2008 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 5-сон, 21-модда);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2008 йил 30 майдаги 88-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 933-4, 2008 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 24-25-сон, 246-модда).

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир** **Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 31 май,
68-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги
68-сон буйруғига
ИЛОВА

## Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (кейинги ўринларда Йўриқнома деб юритилади) ички ишлар органлари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб беради.

2. Йўл ҳаракати қоидаларининг (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) бузилишига доир ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда Кодекс деб юритилади), мазкур Йўриқнома ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3. Қоидаларни бузилишига доир ишларни кўриб чиқишнинг вазифала-



www.lex.uz

ри ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

4. Қоидаларнинг бузилишига доир ишлар қонунийликка қатъий амал қилиш асосида кўриб чиқилади. Қоидаларнинг бузилиши учун таъсир чораларини қўллаш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар, мансабдор шахс ва прокурорнинг мунтазам назорати, шикоят қилиш ҳуқуқи ва қонунларда белгиланган бошқа усуллар билан таъминланади.

## II. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш

5. Қоидаларни бузган шахсларга нисбатан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙҲХХ деб юритилади) ходими ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги ҳақида баённома (кейинги ўринларда маъмурий баённома деб юритилади) расмийлаштиради.

6. Агар шахс ўзи содир этган ҳуқуқбузарликни тан олса ва унга шу жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ошмаса, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳолларда баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида ҳуқуқбузарга мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда жарима квитанцияси берилади, ҳуқуқбузарга ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони қайтариб берилади.

Агар жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир баробаридан ошса, маъмурий баённома расмийлаштирилади, ҳуқуқбузарга ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони қайтариб берилади, бундан мазкур Йўриқноманинг 17-бандида кўрсатилган ҳоллар мустасно.

7. Ҳаракатни тартибга солишга ваколати бўлган ва хизмат вазифасини ўтаётган ички ишлар органи ходими (ДЙҲХХ ходимидан ташқари), ҳарбий автомобиль назоратининг мансабдор шахси хизмат ваколатини амалга оширишга мўлжалланган баённома варақаларидан фойдаланадилар. Унда ишни тўлиқ ҳал этиш учун зарур маълумотлар кўрсатилиши шарт.

8. ДЙҲХХ ходими белгиланган тезликка риоя этилмаган ҳолларда маъмурий баённомани расмийлаштирганда белгиланган тезлик кўрсаткичини албатта кўрсатган ҳолда қандай тезликда ҳаракатланиб келганлигини қайд этиши лозим. Масалан, «ҳайдовчи 50 км/с тезлик чегараланган йўл белгиси таъсири доирасида 95 км/с тезликда ҳаракатланиб келди». Тезлик тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар ёрдамида аниқланади.

Ҳайдовчи белгиланган тезликни ошириб юборганда тезликни ўлчайди-



www.lex.uz

ган махсус ускуналар ва транспорт воситалари спидометрлари кўрсаткичларидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган жами нуқсонлар жамланган ҳолда ҳисобга олиниши керак. Тезликни ўлчайдиган ускуна рухсат этилган тезликдан соатига 5 километрдан ошиқ бўлганини кўрсатган тақдирда маъмурий баённома тузилади.

Ушбу талабга риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилган маъмурий баённома ДЙҲХХнинг маъмурий амалиёт инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

9. Агар маъмурий баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тузиш имкони бўлмаса, маъмурий баённома тузишга ваколати бўлган мансабдор шахс яқин орадаги ички ишлар органларида, транспорт воситаларини тўхташ жойларида маъмурий баённомани расмийлаштириши мумкин.

10. Маъмурий баённома уни тузган ДЙҲХХ ходими ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс (кейинги ўринларда ҳуқуқбузар деб юритилади) томонидан имзоланади, гувоҳлар, холислар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда маъмурий баённома улар томонидан ҳам имзоланади.

11. Ҳуқуқбузар маъмурий баённоманинг мазмуни юзасидан маъмурий баённомага ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қўйишга, шунингдек мазкур маъмурий баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир. Ҳуқуқбузар маъмурий баённомани имзолашдан ёки ёзма тушунтириш беришдан бош тортган тақдирда баённомага бу ҳақда уни тузган шахс томонидан ёзиб қўйилади.

Бунда гувоҳлар ёки холислар иштирокида далолатнома (ҳайдовчининг содир этган ҳуқуқбузарлиги факти ва унинг маъмурий баённомага имзо қўйишдан бош тортиши ҳолати бўйича) тузилади ва маъмурий баённомага илова қилинади. Далолатнома илова қилинмаган маъмурий баённома ДЙҲХХнинг маъмурий амалиёт инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

12. Маъмурий баённомани тузиш пайтида ҳуқуқбузарга Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда ушбу маъмурий иш қаерда ва тахминан қачон кўрилиши тушунтирилиб, бу ҳақда маъмурий баённомага ёзиб қўйилади.

13. Транспорт воситасини маст ҳолатда бошқараётган деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Ҳуқуқбузар текширишдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда икки гувоҳ ёки холис иштирокида маъмурий баённома тузилиб, у транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилади.

Маъмурий баённомада мастлик белгилари ва ҳуқуқбузарнинг текширишдан бўйин товлаш ҳаракатлари батафсил кўрсатилади.



www.lex.uz

Маъмурий баённомага ҳуқуқбузарнинг бўйин товлаш сабаблари ҳақидаги тушунтириш хати ва икки гувоҳ ёки холис иштирокида тузилган далолатнома илова қилинади.

15. Қоидаларни бузиш натижасида транспорт воситалари, юклар, йўл ва бошқа иншоотларга ёки ўзгалар мол-мулкига моддий зарар етказилса, маъмурий баённомага мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳодисанинг чизмаси, шунингдек ҳодиса иштирокчиларининг, гувоҳларининг тушунтиришлари илова қилинади.

Ҳодисанинг чизмасида транспорт воситаларининг ҳодисадан кейинги ҳолатини тиклаш имконини берувчи аниқ маълумотлар (уларнинг муқим объектларга нисбатан ҳолати) кўрсатилади. Чизма уни чизган мансабдор шахс, ҳайдовчилар, гувоҳлар ёки холислар томонидан имзоланади.

16. Ҳайдовчиларга тергов ёки суриштирув органлари томонидан мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Транспорт воситаларининг шикастланганлиги тўғрисидаги маълумотнома берилади.

17. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва улар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун Кодексга мувофиқ транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий баённомага, шунингдек талонга ёзиб қўйилиб, талон ҳуқуқбузарга қайтариб берилади.

Агар мазкур банднинг биринчи хатбошисида қайд этилган ҳуқуқбузарлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётган даврда такроран транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳуқуқбузарнинг талони олиниб, унга мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда вақтинчалик рухсатнома берилади.

Ҳайдовчи вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқариш пайтида такроран транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда унга бошқа вақтинчалик рухсатнома берилиб, унда аввалги вақтинчалик рухсатноманинг амал қилиш муддати қайд этилади ва бу ҳақда маъмурий баённомага ёзиб қўйилади.

18. Ҳайдовчилик гувоҳномаси олинган кундан бошлаб унинг талонидан, талон олинган кундан бошлаб вақтинчалик рухсатномадан ўттиз кун давомида шахсни тасдиқловчи ҳужжат бўлган тақдирда (ўттизинчи куннинг соат 24:00 га қадар) фойдаланишга рухсат этилади, мазкур Йўриқноманинг 21-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

19. Ҳайдовчилик гувоҳномаси олиниб, ҳайдовчи истиқомат қилаётган ёки транспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙҲХХга ўттиз кун ичида етиб келмаган ва талоннинг амал қилиш муддати тугаб қолган ҳолларда талоннинг муддатини узайтириш шу ДЙҲХХнинг фақатгина маъмурий амалиёт инспектори ёки бундай вазифа юклатилган ходими томонидан ҳайдов-



www.lex.uz

чига мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотнома расмийлаштирилиб бериш орқали амалга оширилади. Маълумотнома ўн кун муддатга уч маротаба берилиши мумкин. Агарда ушбу муддатда ҳам ҳайдовчилик гувоҳномаси келиб тушмаса, истисно тариқасида маълумотнома ўн кун муддатга уч маротаба берилиши мумкин.

Маълумотнома берилганлиги тўғрисида махсус китобга қайд этилади. Махсус китобни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Талон олиниб, ҳайдовчи истиқомат қилаётган ёки транспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙҲХХга ўттиз кун ичида етиб келмаган тақдирда вақтинчалик рухсатноманинг муддати тугаб қолган ҳолларда унинг муддати шу ДЙҲХХнинг фақатгина маъмурий амалиёт инспектори ёки бундай вазифа юклатилган ходими томонидан ўн кун муддатга уч маротаба узайтирилиши мумкин. Агарда ушбу муддатда ҳам талон келиб тушмаса, истисно тариқасида вақтинчалик рухсатноманинг муддати ўн кун муддатга уч маротаба узайтирилиши мумкин.

20. Агар ҳайдовчи сафарда бўлган вақтда талоннинг ёки вақтинчалик рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаб қолса, ҳайдовчи тақдим этган тегишли ҳужжатлар ёки маълумотлар асосида ўша ҳудуддаги ДЙҲХХнинг фақатгина маъмурий амалиёт инспектори ёки бундай вазифа юклатилган ходими томонидан талоннинг ёки вақтинчалик рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтириб берилади.

Бунда талонга ёки вақтинчалик рухсатномага «Яшаш жойига етиб олгунга қадар» деб ёзиб, ўн кунгача муддат қўйиб берилади.

21. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари уч ой муддат ичида тегишли органга келиб тушмаган ҳолларда хизмат текшируви ўтказилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки талони йўқолганлиги ҳақидаги хулосага келинган тақдирда ҳайдовчининг қўлида қолган ҳужжат олиб қўйилиб, унга ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талонининг дубликати имтиҳонсиз берилади. Хизмат текшируви ўтказилаётган вақт давомида талоннинг амал қилиш муддати узайтириб берилади.

22. Маъмурий баённомалар ва жарима квитанцияларининг бланкалари қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар ҳисобланади. Маъмурий баённома, жарима квитанцияси, талон, вақтинчалик рухсатномага ёзувлар аниқ ҳолда кўк ёки қора рангли сиёҳлар (паста) билан қайд этилади. Унда ўчириб ёзишга, тузатишга ёки илгари қайд этилган ёзувларни тузатиш, воситалар ёрдамида йўқотишга йўл қўйилмайди.

23. Ҳайдовчилик гувоҳномаси, талони, вақтинчалик рухсатнома, ишончнома, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномалари бўлмаган шахслар транспорт воситасини бошқарганда уларга нисбатан Кодекснинг 135-моддаси иккинчи қисми асосида маъмурий баённома тузилиб, Кодекснинг 291-моддаси «а» қисмига мувофиқ транспорт воситаси ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва иш кўриб чиқилгунга қадар тўхташ жойларида ушлаб турилиши мумкин.

24. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки талонининг дубликати берилгандан


www.lex.uz

сўнг эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки талони келиб тушган тақдирда улар белгиланган тартибда ДЙҲХХнинг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимлари ёки туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмалари (кейинги ўринларда РИБ (ТРИБ) деб юритилади) томонидан йўқ қилинади.

Вақтинчалик рухсатнома йўқотиб қўйилган тақдирда ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс ҳуқуқбузардан бу ҳақда тушунтириш хати олади. Ҳуқуқбузар ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони олиб қўйилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарималарни тўлаган тақдирда унинг мурожаат этган кунидан бошлаб 15 кундан сўнг ҳайдовчилик гувоҳномаси, талони қайтариб берилади.

25. Маъмурий баённома, бошқа тегишли ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

## III. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш

26. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик содир бўлган жойда, шунингдек юридик шахсларга тегишли транспорт воситаси доимий (вақтинчалик) рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

27. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

28. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс маъмурий ҳужжатларни олгандан сўнг ҳуқуқбузарга ишни қачон ва қаерда кўрилиши ҳақида мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарномани юборади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда Кодекснинг 295 — 300 моддаларида (жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат, гувоҳ, эксперт, таржимон) назарда тутилган шахслар қатнашиши мумкин.

29. Ҳуқуқбузарни иш қачон ва қаерда кўриб чиқилишидан ўз вақтида хабардор этилганлиги ҳақида маълумотлар бўлганда, ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш ҳақида илтимоснома тушмаган тақдирда иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.



www.lex.uz

30. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида ички ишлар органининг мансабдор шахси:

мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

31. Мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширади:

ишни транспорт воситаси рўйхатга олинган жойга кўриб чиқиш учун юборади;

шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойларидаги жамоаларида ёки яшаш жойларидаги ДЙҲХХга кўриб чиқиш учун юборади;

ишни ҳуқуқбузар яшайдиган жойдаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссияларига кўриб чиқиш учун юборади;

суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган тақдирда ёки ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса ҳужжатларни судга юборади;

агар ҳуқуқбузарликда жиноят аломатлари бўлса, ҳужжатларни прокуратура органларига топширади.

32. Ваколати доирасида маъмурий ишларни кўриб чиқувчи органларга маъмурий баённомалар ва ишга оид бошқа ҳужжатлар бир суткадан кечиктирмасдан буюртма хат орқали йўлланади ёки етказиб бериш китоби бўйича топширилади.

Маъмурий иш бўйича ҳужжатларнинг кирими ва чиқими ҳужжатларни ҳисобга олиш китобига қайд этилади. Ҳужжатларни ҳисобга олиш китобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

33. Кодекснинг 125-моддасида, $125^{1}$-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^{1}$-моддасининг биринчи қисмида, $128^{2}$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^{3}$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^{4}$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^{5}$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^{6}$-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, $135^{1}$-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Бош бошқармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари,



www.lex.uz

йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинмаси) бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг катта инспектори, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади ва маъмурий жазо қўлланилади.

34. Кодекснинг 125-моддасида, $125^1$-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^3$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^5$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^6$-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, $135^1$-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, мобиль гуруҳи) командири, ёки унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади ва маъмурий жазо қўллаши мумкин.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан Кодекснинг 126, 128, $128^1$, $128^2$, $128^3$, $128^4$, $128^5$, $128^6$, 129 ва 130-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг бир йил давомида такроран содир этилмаганлиги аниқлангандан сўнггина маъмурий иш кўриб чиқилиши мумкин.

35. Кодекснинг 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^2$-моддасининг биринчи қисмида, $128^3$-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, $135^1$-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар томонидан кўриб чиқилади ва маъмурий жазо қўлланилади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан Кодекснинг 126, 128, $128^2$ ва $128^3$-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг бир йил давомида такроран содир



www.lex.uz

этилмаганлиги аниқлангандан сўнггина маъмурий иш кўриб чиқилиши мумкин.

36. Кодекснинг 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125[1]-моддаси иккинчи қисмида, 126, 131, 135, 135[1]-моддаларида, 136-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, 176[3]-моддаларида, 194-моддасида (ички ишлар органлари ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик хусусидаги қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда, транспорт воситаси ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар ушлаб турилиши мумкин. Бунда маъмурий баённома расмийлаштирилиб, транспорт воситаси ушлаб қолинганлиги ҳақидаги маълумот баённомага қайд қилинади ва ҳайдовчига барча ҳужжатлари қайтариб берилади (Кодекснинг 131 ва 136-моддалари бундан мустасно).

Кодекснинг 135[1]-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, мажбурий суғурта қилишни амалга оширишни тасдиқловчи белгиланган намунадаги суғурта полисининг нусхаси тақдим этилгандан сўнг транспорт воситасини қўйиб юборишга рухсат берилади.

Транспорт воситаси тўхташ жойига жойлаштирилган тақдирда транспорт воситасини ушлаган ДЙҲХХ ходими ўз ваколатлари доирасида ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш юзасидан зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширади, маъмурий баённомани расмийлаштиради, мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномани тузади. Далолатнома уч нусхада тузилиб, биринчи нусхаси транспорт воситасини тўхташ жойида сақлаш учун масъул бўлган шахсда қолдирилади, иккинчи нусхаси баённомага биркитилади, учинчи нусхаси ҳуқуқбузарга берилади.

Транспорт воситасини олиб чиқиб кетишга фақат маъмурий ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан рухсат берилади. Агарда маъмурий иш бўйича ҳужжатлар ваколати доирасида кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)га юборилган тақдирда, вақтинчалик ушлаб турилган транспорт воситасини қўйиб юбориш уларнинг рухсати билан амалга оширилади.

Маъмурий ишни кўриб чиққан ДЙҲХХ ходими мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада рухсатнома расмийлаштиради, имзолайди ва муҳри билан тасдиқлайди ҳамда унинг биринчи нусхасини ҳуқуқбузарга беради, иккинчи нусхасини маъмурий баённомага тикиб қўяди.

37. Ҳуқуқбузар ишга доир ҳужжатлар билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқишда адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

38. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мазкур ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахснинг ўзини таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши ло-



www.lex.uz

зимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий баённомани ўқиб эшиттиради. Ишни кўриб чиқишда қатнашаётган шахслар тингланади, далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

39. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида: маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Бунда Кодекснинг тегишли моддаларида маъмурий жазони кучайтириш назарда тутилган ва такрорийлиги ҳисобга олинадиган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда маъмурий ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс ҳуқуқбузарнинг аввалги ҳуқуқбузарликларининг такрорийлигини аниқлаши шарт.

Алкоголдан, гиёҳванд моддадан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда транспорт воситасини бошқариш, тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаш, светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслик, ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабини бажармаслик, белгиланган тезликни ошириш, темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидасини бузиш, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқиши, авария ҳолатини келтириб чиқариш, одам ташиш қоидаларини бузиш, транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш ёки транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурлар томоша қилиш учун фойдаланиш, юк ташиш, шатакка олиш қоидаларини бузиш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришнинг топширилиши қўпол ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади.

40. Агар ҳуқуқбузар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаганлигини маълум қилса, унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳақиқатдан бор-йўқлигини аниқлаш учун мазкур Йўриқноманинг 10-иловасидаги шаклга мувофиқ сўровнома унинг яшаш жойидаги РИБ (ТРИБ)ларга юборилади.

Агарда ҳуқуқбузар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатининг бошқа ҳудудда олиб қўйилганлигини маълум қилса, унинг тушунтириш хати асосида ўша ҳудуддаги РИБ (ТРИБ)ларга сўровнома жўнатилади.

41. Агар ҳуқуқбузар талонни белгиланган жаримани тўлаб қайтариб



www.lex.uz

олиш вақтида ҳайдовчилик гувоҳномасини тақдим этмаса, мазкур Йўриқноманинг 10-иловасидаги шаклга мувофиқ сўровнома транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчилик гувоҳномалари картотекасида бор-йўқлиги ҳақидаги маълумот олиш учун ҳам РИБ (ТРИБ)ларга юборилади. Сўровнома ҳайдовчининг илтимосига кўра унинг ўзига бериб юборилиши ҳам мумкин.

Сўровномани олган РИБ (ТРИБ) ходими ҳудудий ИИБ ЙҲХБ(Г)га ёки фуқарога мазкур Йўриқноманинг 11-иловасидаги шаклдаги маълумотномани бир кун ичида расмийлаштириб бериши шарт.

42. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келинган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилган тақдимнома билан судга юборилади.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилинишига ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш кераклигига боис бўлган сабаблар ва асослар баён этилади.

43. ДЙҲХХ мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган маъмурий жазони тайинлайди;

ишни юритишни тугатади.

44. ДЙҲХХ мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ шаклда қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, иш кўриб чиқилган сана, иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар, ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни, Кодекснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

45. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;

ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;



www.lex.uz

ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;

ҳуқуқбузарлик зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида содир этилган бўлса;

амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;

маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

шахс иши юритила бошлаган пайтда вафот этган бўлса.

46. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади.

47. Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади. Қарорнинг нусхаси олинганлиги ҳақида ҳуқуқбузар ёки жабрланувчи имзо чекиши керак.

Айни вақтда қарор устидан шикоят бериш ва уни бажариш тартиби тушунтирилади.

Агар ишни кўриб чиқишда ҳуқуқбузар қатнашмаган бўлса, қарорнинг нусхаси уч кун ичида унга юборилиб, бу ҳақда маъмурий баённомага ёзиб қўйилади.

48. Кодекснинг 131, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказади.

49. Йўл ҳаракати қоидаларининг темир йўл кесишмалари орқали ҳаракатланиш бандининг бузилиши билан боғлиқ бўлган маъмурий ҳужжатлар бўйича жазо чоралари Кодекснинг 130-моддаси асосида қўлланилади.

Шунингдек, темир йўл кесишмаси олдида 2.5 «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» йўл белгиси талабини бажармаслик ҳам Кодекснинг 130-моддаси бўйича маъмурий чораларининг қўлланилишига олиб келади.

50. Кодекснинг 127-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда маъмурий баённома расмийлаштирилиб, унга товуш чиқарувчи ёки ёритувчи махсус қурилма илова қилинади. Ушбу қурилмалар гувоҳлар иштирокида ечиб олиниб, далолатнома тузилади.

51. Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарлик учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.



www.lex.uz

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

52. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган мансабдор шахслар ўзларига берилган ваколатлар доирасида ва фақат хизмат бурчларини бажариб турган пайтлардагина қонунларда назарда тутилган маъмурий жазоларни қўллашлари мумкин.

53. Битта шахс икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича алоҳида маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилган тақдирда маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Агарда шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айнан бир мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

54. Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органлари оддий ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар Қоидаларни бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

55. Кодекснинг 125-моддасида, 125[1]-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128[1]-моддасининг биринчи қисмида, 128[2]-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128[3]-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128[4]-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128[5]-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128[6]-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135[1], 138, 139, 140, 141-моддаларида (транспорт воситаларининг ҳайдовчилари — ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда расмийлаштирилган ҳужжатлар чора кўриш учун улар хизмат қилаётган жойдаги ҳарбий автомобиль назоратига юборилади.

56. Прокуратура ходимлари ҳамда судьялар томонидан Қоидалар бузилган тақдирда уларга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳужжатлар чора кўриш учун прокуратура ва суднинг юқори турувчи органларига юборилади.

57. Кодекснинг 313-моддасига мувофиқ ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда, ташкилотлар раҳбарларига ана шу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш ҳақида тақдимнома киритиши лозим.



www.lex.uz

## IV. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш ва протест келтириш

58. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилинган мансабдор шахс орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган мансабдор шахс шикоятни олгач, уни уч кун ичида иш билан бирга шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборади.

59. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят шу қарорнинг нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кун ичида берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан (касаллик, таътил, хизмат сафари ва ҳ. к.) ўтказиб юборилган тақдирда тегишли тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач, устидан қарор чиқарилган шахснинг аризасига мувофиқ шикоятни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахс томонидан қайта тикланиши мумкин.

60. Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

61. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида жазо бериш ҳақидаги қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган ҳолларда талоннинг амал қилиш муддати шикоятни кўриб чиқиш тугагунга қадар узайтирилади.

62. Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

63. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоятни ёки протестни кўриб чиқиб, орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳал қилув қарорлардан бирини қабул қилади:

чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;



www.lex.uz

чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тугатади;

